

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Жаҳон иқтисодиётининг турли соҳалари ва жабҳаларида етакчи ўринларни эгаллаган дунёнинг етакчи давлатларидан бири — Германия ўзбекистоннинг Европадаги истиқболли ҳамда ишончли савдо-иқтисодий ҳамкори ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ҳар томонлама модернизация қилиниши Германия ишбилармон доираларининг иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорлики кенгайтиришга қизиқиши ортишига йўл очяпти. Бугунги кунда мамлакатимизда немис сармояси иштирокидаги 200 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон бозорига Германиянинг етакчи ишлаб чиқарувчилари — “Deutsche Kabel”, “Knauf”, “Claas”, “Pareburg” ва “Falk Porsche” муҳим ўринга эга. “Siemens”, “BASF”, “Thissen Group”, “Roland Berger”, “Adidas Group” каби ўз соҳасининг етакчи компаниялари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. “Deutsche Bank”, “Commerzbank” ва “Landesbank” билан молиявий соҳадаги алоқалар ривожланиб бормоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи ҳуқуқи беш йил ичида 1,5 баробардан ортиқ, 2018 йилдаги 771,9 млн. доллардан 2022 йилда 1 млрд. 150 млн. АҚШ долларига ошди. Ва бу ўсиш тенденцияси давом этмоқда. Жорий йилнинг январь — июль ойларига томонлар салкам 610 млн. долларлик савдо айирбошлашни амалга оширди.

2015 йилда ташкил этилган Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши (ГҲИК) савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликини кенгайтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Кенгаш ўзига хос хусусиятга эга, чунки у Ўзбекистондаги ягона “G2B” платформаси ҳисобланади. ГҲИК ўз фаолияти домида Германия ишбилармон доиралари ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқот учун энг муҳим платформага айланди.

Савдо ва сармоя бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳи ҳам савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликини кенгайтиришга ҳар томонлама ёрдам бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг май ойидаги Германияга ташрифи чоғида бўлиб ўтган ишбилармонлик тадбирлари натижасида умумий қиймати 9 млрд. евродан ортиқ бўлган савдо шартномалари ҳамда сармоявий-технологик битимлар имзоланди. Жорий йилнинг сентябрь ойида Германия ишбилармон доиралари делегацияси тарихидаги Савдо-саноат палатаси аъзолари, шунингдек, “Falk Porsche Technik GmbH”, “Kabel AG” (DKG), “Schneider Group”, “DB Engineering & Consulting GmbH”, “GP Gnyler Papenburg AG” ва бошқа компаниялар раҳбарлари ҳамда вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюриб, вазирилик ва идораларда самарали музокаралар ўтказди. Мамлакатимиз корхоналари ва тадбиркорлари фаолияти билан яқиндан танишиди. Германия ишбилармонлар миссия-

сининг ушбу ташрифи икки давлатнинг савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликини кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан ўзаро манфаатдорлигини яна бир бор тасдиқлади. Германияда икки томонлама муносабатлар фаоллашганини фондида Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси ва сайёҳлик салоҳиятига қизиқиш ҳам ортиб бораётти.

Шу йил май ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи доирасида давлатимиз раҳбари германиялик ҳамкасби билан биргаликда Берлиндаги Жеймс Симон галереясида ташкил этилган “Ўзбекистон археологик хазиналари — Александр Македонскийдан Кушонлар давригача” кўргазмасининг очилишида қатнашди. Кўргазма 2024 йил 14 январга қадар давом этади ва унинг фаолияти домида Германия жамоатчилиги ҳамда мамлакат меҳмонлари Ўзбек халқининг бой тарихи, бетақорор маданияти ва аънаёлари билан таништирувчи турли маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистондаги 9 та музей коллекциясида 285 та тарихий ашё кўргазмада намойиш этиляпти.

Ўз навбатида, Ўзбекистонда ҳам Германия, унинг маданияти, тили, таълим ва бизнес имкониятларига қизиқиш ортиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 300 минг мактаб ўқувчилари Гёте, Шиллер ва Кант тилини ўрганмоқда. 24 та мактабда немис тили чуқурлаштирилган тарзда ўқитилаяпти. Улардан 6 таси, яъни Тошкент, Самарқанд,

Марғилон, Фарғона, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги мактаблар немис тили дипломини бериш ҳуқуқига эга. Шунингдек, 4 мингдан ортиқ ўзбекистонлик аспирант ва докторантлар Германиянинг турли университетларида таҳсил олмақда.

Хозирги кунда Ўзбекистонда Гёте институти, Германия Халқ университетлари ассоциациясининг Халқаро ҳамкорлик институти, Хориждаги мактаблар марказий бошқармасининг ваколатхонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Улар билан бир қаторда юртимизда К. Аденауэр ва Ф. Эберт фондаларининг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги лойиҳаларни амалга оширишга қўмаклашувчи ваколатхоналари очилган.

Худудлараро ҳамкорлик доирасида Тошкент ва Берлин, Бухоро ва Бонн шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилган. Самаралда маданий-маърифий алмашинувлар, барқарор ривожланиш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Германия Оролбўйи минтақаси учун мақсадли жамғармани қўллаб-қувватлашга катта ҳисса қўшмоқда. Жумладан, жорий йилнинг март ойида жамғарма фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича келишув имзоланган бўлиб, унда Германия ҳукумати томонидан оғир экологик вазиятнинг Оролбўйи аҳолисига салбий таъсирини камайтиришга мақсадли ёрдам кўрсатиш учун 700 минг доллар ажратиш кўзда тутилган.

Германиянинг ҳиссаси миллий ва

маҳаллий ҳамкорлар, БМТ тузилмалари, нодавлат нотижорат ташиқлотлари ва илмий доираларнинг сайёҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, Оролбўйида қўшма дастурлар ва молиявий қўмақ туяфли озиқ-овқат, иқтисодий, ижтимоий, экологик, соғлиқни сақлаш муаммоларини ҳал этиш имконини берапти.

Бугунги кунда Ўзбекистонда этник немис миллатига мансуб 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларга ўз миллий аънаёлари ва маданиятини асраб-авайлаш бўйича барча шароит яратилган. Мамлакатимизда немис миллатига мансуб фуқаролар нафақат ўзбек жамиятининг ажралмас қисми, балки икки давлатни бөлгловчи кўприк сифатида ҳам қўрилади.

Муҳтасар айтганда, Ўзбекистон ва Германия муносабатларининг бугунги ривожий ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган стратегик шериклики янада муваффақиятли ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Шубҳасиз, Берлинда бўлиб ўтадиган Германия ва Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларининг олий даражадаги биринчи саммити ўзаро ҳамкорликини чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда ҳар икки давлат халқлари манфаати учун аънавий ўзаро манфаатли ва дўстона Ўзбекистон — Германия муносабатларини мустаҳкамлаш учун янги истиқболларни очига ҳизмат қилади.

«Дунё» АА.

Сайёр мажлис

ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?

Хабарингиз бор, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори билан Наманган вилоятининг туман (шаҳар)ларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг самарали ижро этилишини таъминлаш бўйича тасдиқланган “Йўл харитаси” амалга оширилмоқда.

Сенат Кенгашининг Наманган вилоятида ўтказилган сайёр мажлисида мазкур “Йўл харитаси”нинг ижроси ҳолати муҳокама қилинди.

Мажлисида Наманган вилояти худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси борасида қатор натижаларга эришилганлиги қайд этилди.

Хусусан, ялпи худудий маҳсулот (ҲҲМ) 2022 йилда 41,1 трлн. сўмга етказилиб, 2017 йилдагига нисбатан 25,8 трлн. сўмга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҲҲМ ҳажми эса 5,7 млн. сўмдан 13,9 млн. сўмга ортган. Утган йил якунида экспорт ҳажми 581,2 млн. долларни ташкил этиб, 2017 йилдагига нисбатан 422,0 млн. долларга эки 3,6 баробар ошган.

Мажлисида сенаторлар томонидан аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, худудий бандлик дастури ижросини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, жорий йилнинг 8 ойида Инвестиция дастурлари доирасида қиймати 3,0 трлн. сўмлик 558 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 9 759 та янги иш ўрни яратилган.

Бундан ташқари, 2023-2024 йилги куз-қиш мавсумига аҳоли, иқтисодий тармоқлар ва ижтимоий соҳа объектларини тайёрлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган, ишчи гуруҳлар тузилиб, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда бар-тароф этиш чоралари кўрилмоқда.

Муҳокама жараёнида сенаторлар худудда ба-жарилган ижобий ишлар билан бирга, ечимини ку-таётган муаммоларга ҳам эътибор қаратди.

Хусусан, Учқўрғон туманида “кичик саноат зона-ларини ташкил этиш” худуднинг драйвер соҳаси бўлишига қарамай, тумандаги 3,5 гектар ер май-дониди йўлга қўйилган “Янгиер” ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида бирорта ҳам лойиҳа амалга оширилмаган. Шунингдек, 7 гектар майдонда жой-лашган “Нуробод” кичик саноат зонасида атиги бит-тагина лойиҳа ишга туширилган.

Ҳоким ёрдамчилари кўмағида микролояиҳаларни ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича январь — август ойлари режаси Янги На-манган ва Косонсой туманларида тўлиқ бажарил-маган.

Жорий йилнинг март ойида фойдаланишга топ-ширилши белгиланган Уйчи туманидаги Жийда-ка-па ҳамда Чуст туманидаги Янги Боғишамол маҳал-лаларига имчилик суви тармоғини тортиш ҳамда август ойида яқунланиши белгиланган Давлатобод туманидаги Ижодкор маҳалласида 2 та ёпиқ сув сак-лаш ховузи қуриш ишлари ханузгача ниҳоясига ет-казилмаган.

Кайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнат-иш ишларига етарлича эътибор қаратилмаганлиги на-тижасида вилоятда 412 та объектга қуёш панелла-ри ўрнатилмаган.

Сенаторлар мавжуд муаммо ва камчиликларни бар-тароф этиш борасида қатор таклифлар билдирди.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари-га ҳар ойда, дастурлар доирасида белгиланган топ-шириклар ижросига масъул ходимлар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботла-рини эшитиб бориш, дастурлар ижросини таъмин-лашда масъулиятсизликка йўл қўйган мутасадди-ларга нисбатан таъсирчан чоралар қўллаш масала-сини кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокама якунида ўз ечимини кутиб турган му-аммоли масалаларни бартароф этиш бўйича Сенат Кенгашининг қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Депутатларнинг таъ-кидлашчи, ушбу норма давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокини кен-гайтиради. Шунингдек, ислохот-ларнинг ташаббускори сифатида инсонлар ўзларининг келажаги, орзу-мақсадларини рўёбга чиқа-риш учун муҳим қарорлар қабу-қилишда, жамиятдаги муаммо-ларни ўз вақтида ҳал этишда тўғридан-тўғри қатнашишлари учун шароит яратилади.

Мажлисида қуйи палата фао-лиятига оид назарда тутилаёт-ган бир қатор нормаларга эъти-бор қаратилди. Хусусан, Қонун-чилик палатаси қўмиталарига

Ҳукумат аъзоларининг ҳисобот-лари ва давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилмоқда. Бу қўмита-ларнинг ишлари янада самарали таш-кил этишга имкон беради. Шун-ингдек, Қонунчилик палатаси-даги фракция раҳбарининг ва-колатлари алоҳида моддада аниқ кўрсатилаяпти.

Ушбу ҳужжатда парламент фаолиятига оид белгиланаётган қондаларни 2024 йилда навбат-даги қақриқдаги Олий Мажлис палаталари иши бошланганидан кейин амалга киритиш таклиф этилмоқда.

Сўз — депутатларга

Наврўзбек ЮСУПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мажлисида биринчи ўқишда муҳокама қилинган парламент фаолиятига оид қонун лойиҳаси ҳақиқатан долзарб. Утган ҳафта-да ушбу ҳужжат дастлабки тарзда фрак-цияларда, қўмиталарда батафсил кўриб чиқилди, семинарлар ўтказилди. Муноза-ралар жараёнида бир қатор саволлар ўрта-га ташланди.

Масалан, лойиҳада юқори палата аъзо-лари ҳар бир маъмурий-худудий бирик-дан 4 нафардан сайланиши, 9 нафари Президент томонидан тайинланиши, жами 65 нафар этиб белгиланаётган. Шу ўринда, Сенат таркиби юртимизда олиб борилаёт-ган маъмурий ислохотлардан келиб чиқиб ихчамлаштирилаётганини қайд этиш жоиз. Шунингдек, юқори палатанинг прокурату-ра органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясини тугатиш таклиф этил-моқда. Бинобарин, комиссия котибияти 2019 йилда бекор қилинган ва амалда фаолият кўрсатмайдди. Қолаверса, Бош прокурор ҳар йили Сенатга ҳисобот ҳа-қиди эътибор боради.

Муҳаммаджон ВАЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Қонун ижодкорлиги — мураккаб жа-раён. Унда фуқаролар иштирокини таъ-минлаш эса мамлакатимизда олиб бори-лаётган демократик ислохотларнинг пи-ровард натижасидир. Шу боис лойиҳада Қонунчилик палатасига киритилаётган қонунчилик таклифларини кўриб чиқиш-нинг муҳим тартиби белгиланмоқда. Яъни 100 минг нафардан кам бўлмаган фуқа-ролар, Сенат, Омбудсман ва Марказий сайлов комиссияси қонунчилик таклиф-ларини Қонунчилик палатасига киритиш-га ҳақли экани мустаҳкамланмоқда. Қонунчилик таклифида эса муайян қонун-ни қабул қилиш, ўзгартириш киритиш, бе-кор қилиш зарурати асосланганлиги ҳамда унинг гоёси ва қутилаётган нати-жалар ҳақида маълумот бўлиши талаб этилади.

Айтиш керак, ушбу қонун фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга ҳизмат қилади. Шунингдек, жамиятдаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этишда уларнинг тўғридан-тўғри қатнашиш-лари учун шароит яратилади.

Шербек БҲРОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Қонун лойиҳасини қабул қилишнинг муҳим зарурати бор. Чунки лойиҳада пар-ламент палаталари, қонун ижодкорлиги фао-лиятини тартибга солувчи қонунларни янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш-га қаратилган нормалар ўз аксини топган.

Хусусан, парламент текширувчи Қонунчи-лик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида тузиладиган бир-галикдаги махсус комиссия томонидан ўтқа-зилиши мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, Қонунчилик палатасидаги фракция раҳбари-нинг ваколатлари алоҳида моддада аниқ бел-гиланмоқда. Яъни умумий раҳбарлик, фрак-циянинг келишилган позициясини баён қилиш, Қонунчилик палатаси билан музокаралар олиб бориш, ҳамкорлики таъминлаш, фракция но-мидан иш қуриш, ҳужжатларни имзолаш ва бошқа шу каби ваколатлар берилмоқда.

Лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши унинг нечоғли аҳамиятга эғали-гини кўрсатади. Фуқаролардан келиб туш-ган таклифлар қонун лойиҳасининг янада мукамал, пишик-пукта тайёрланишида му-ҳим аҳамият касб этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Сенат қўмитасида

ШАҲАРСОЗЛИҚДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ЭҲТИЁЖЛАРИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида шаҳарсозликда ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини таъминлаш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини монеликсиз фойдаланиши учун шароит яратиш масаласи муҳокама қилинди.

Масаланинг муҳимлигидан келиб чиқиб, муҳокама жараё-нида Қурилиш ва уй-жой ко-ммунал хўжалиги вазирилиги, Ад-ля вазирилиги, Ижтимоий ҳимо-я миллий агентлиги масъ-ул ходимлари ҳамда ногирон-лиги бўлган шахсларнинг жамо-ат биришмалари вакиллари ҳам иштирок этиди.

Таъкидланганидек, 2022 йил-да Сенат Кенгаши мажлисида шаҳарсозликда ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжла-рини таъминлаш ва барча иж-тимоий инфратузилма объект-ларидан тўқсизқиз фойдаланиш учун шароит яратиш масаласи кўтарилиб, Кенгашининг тегиш-ли қарори қабул қилинган эди. Бу борада масъул вазирилик ҳамда идоралар томонидан

лари ижтимоий-маиший ва ма-даний мақсадларга мўлжаллан-ган қурилиш объектларини ҳамда уларни реконструкциядан кейин фойдаланишга қабул қилишда ва фойдаланишга рух-сатнома беришда иштирок этишлари белгилаб қўйилганли-ги айтилди.

Сенаторлар томонидан яқин бир йил давомида Тошкент шаҳрида қуриб фойдаланишга топширилган айрим ижтимоий-маиший объектларда ўрганиш ўтказилганлиги, ўрганиш даво-мида мазкур объектларда но-гиронлиги бўлган шахсларнинг тўқсизқиз ҳаракатланишлари учун етарли шароит (пандус, лифт, махсус тутқичлар ва х.к.) яратилмаганлиги аниқлангани ҳақида маълумот берилди.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, Қурилиш ва уй-жой ко-ммунал хўжалиги вазирилиги масъулларига ер майдони ҳаж-мидан қатъи назар, барча

турдаги бино, иншоот, якка тартибдаги уй-жой, кўп квар-тирли уйларни қуриш ёки ре-конструкция қилишда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бириш-малари вакилларининг ишти-рок этиши юзасидан норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича таклиф тайёрлаш вазифаси топширилди.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат биришмалари вакилларининг ижтимоий-маиший ва маданий мақсадларга мўлжалланган қурилиш объектларини ҳамда реконструкция қилинаётган объектларини фойдаланиш учун рухсатнома беришда иштирок этишига имконият яратиш бўйи-ча ҳам вазифалар белгиланди.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Фармон ва ижро

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ ОЧИШ ИШЛАРИ НЕГА СУСТ?

Кеча Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси мажлисида “Оролбўйи минтақасида тадбиркорлиқни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармонида белгиланган вазифалар ижроси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур Фармон билан Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ ҳамда Хоразм вилоятининг Тупроққалъа, Янгиариқ ва Янгибозор туманларига қатор солиқ имтиёзлари берилган.

Мўйноқ туманида жами 650 та кичик бизнес субъекти мавжуд. 2023 йил биринчи ярим йилли-гида маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларидаги тадбиркорлик субъект-ларига солиқ имтиёзлари берилиши натижаси-да 307 та корхона ихтиёрида жами 1 864,9 млн. сўм қолдирилган. 38 та корхонага махсулот экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизини қўллаб бериш бўйича имтиёзлар эва-зига Экспортни рағбатлантириш агентлиги томо-нидан 2,6 млрд. сўмлик харажат қўрилган.

Худудда 8 та кичик саноат зонасини ташкил этиш учун 16,3 гектар ер майдони танлаб олиниб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорик Кенгеси Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинган.

Фармонда белгиланган солиқлар қоқамасини 50 фоизга камайтириш натижасида Хоразм вило-ятининг Тупроққалъа, Янгиариқ ва Янгибозор ту-манларида янги очилган 642 та тадбиркорлик субъекти ихтиёрида жами 1,1 млрд. сўм қолди-рилган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган 98 та маҳаллада яшовчи фуқароларга шу йилнинг ўтган даври мобайнида 180 млрд. сўм микдориди имтиёзли кредит ажратилган.

Экспортни рағбатлантириш агентлиги томони-дан 16 та корхонага махсулотни экспорт қилишда 7,1 млрд. сўмлик таших харажатлари қўллаб бе-рилган. Ушбу корхоналар томонидан 21,2 дол-ларлик махсулотлар экспорт қилинган.

Хоразм вилоятида янгидан ташкил этиладиган 40 та кичик саноат зонаси бўйича 9 та туманда 65 гектар майдонда 29 та кичик саноат зонасини йўлга қўйиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазириликка тақдим қилинган.

Шу билан бирга, Фармонда белгиланган вази-фалар бажарилишида айрим муаммолар ва кам-чиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан, кичик саноат зоналарини очиш бўйича ишлар охи-рга етказилмаганлиги қайд этилди, масъулларга муаммоларни зудлик билан бартароф қилиш юза-сидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарорла-ри қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг Самарқанд вилоятидаги ижроси ҳолати ўрганилди.

Бу ишга сенаторлар, Бош прокуратура, Ички ишлар, Маданият, Ёшлар сиёсати ва спорт, Мак-табгача ва мактаб таълим вазирликлари масъул-лари ҳамда Ёшлар парламенти аъзоларидан ибор-та ишчи гуруҳ жалб қилинди.

Натижада вилоятда қонун ижроси доирасида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, ай-рим камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги аниқ-ланди. Хусусан, вилоятда вояга етмаганлар ора-сида ҳуқуқбузарликлар сони ортган. Утган йилда ушбу кўрсаткич 3 941 тани ташкил этган. Жорий йилнинг 8 ойи давомида эса 3 128 та ҳуқуқбузар-лик содир қилинган.

Вилоятда жорий йил давомида ёшлар томони-дан 1 452 та жинойат содир этилган бўлиб, бу ўтган йилдагига нисбатан 82 фоизга ошган. Ёшлар жи-ноятчилиги Нарпай туманида 13,2 фоизга камай-ган бўлса, Қўработ туманида бу кўрсаткич 152,6 фоизга ортган.

Профилактик қўриқлар натижасида 2023 йил олти ой давомида 9 нафар Усмирда алкоголь махсулот-ларини ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланган.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жорий йилнинг 8 ойи давомида 816 нафар бола олиб келинган.

Бугунги кунда вилоятдаги 52 минг 694 нафар ёш хорижий мамлакатларга ўқиш ва ишлаш учун чиқиб кетган.

Вилоятда ота-она қарамогидан маҳрум бўлган яқин қариндошларига вазифали ва ҳомийликка бе-рилган болалар 1 минг 14 нафарни ташкил қилади. 9 та оилавий болалар ўйи мавжуд бўлиб, улларда 51 нафар бола тарбияланмоқда.

Ўрганиш давомида аниқланган муаммо ва камчи-ликлар мутасадди вазирилик ва идоралар масъулла-рини иштирокида дастлабки тарзда муҳокама этилиб, тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, мазкур ўрганиш н

ДУНЁ ЎЗБЕКISTОН РАҲБАРИНИНГ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЛҚИШЛАМОҚДА

Шу йил 15 сентябрь куни Вашингтон шаҳрида АҚШнинг 250 дан ортиқ компания ва банклар вакиллари иштирокида ўтган кўшма бизнес форумининг самарали яқун топишида палатанинг хизмати беқийс. Эътиборлиси, кейинги бир неча йилда палата таркибига АҚШнинг йирик компаниялари кирди, уларнинг умумий сони 50 тага етгани америкалик сармоядорларнинг қўлай сармоявий муҳит яратилган ва ислохотлар орта қайтмас тус олган Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортиб бораётганини намойишди.



Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида юзага келган ўзаро ишонч тўғрисида америкалик қатор сенаторлар Жексон-Веник конюнчининг "эскирган" чекловларидан воз кечиш ва АҚШнинг Марказий Осиё билан муносабатларини "қайта кўриб чиқиш" вақти келган, деб ҳисоблашмоқда. Хусусан, сенаторлар Крис Мёрфи (демократ) ва Тодд Янг (республикачи) 7 сентябрь куни Жексон-Веник конюнчи Ўзбекистон, Қозғоғистон ва Тожикистон учун бекор қилиш ҳамда Марказий Осиёнинг урта давлати ўртасида доимий нормал савдо алоқаларини (ПНТР) ўрнатилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тақдим этишди. Агар қонун лойиҳаси Конгресс томонидан маъқулланса, Марказий Осиё давлатларининг Америка ва бутун дунё билан савдо-иқтисодий муносабатлари янада яхшиланади, минтақамиз ва мамлакатимизга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми ошади.

Геосийсий муносабатни шакллантиришдан қатъий ҳисобга Бу билан Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини "агар сизларнинг бошқалар билан зиддиятчи алоқаларингиз бўлса, биз бунга аралашмаймиз. Бошқаларнинг ҳам бизнинг муносабатларимиз шаклланишида аралашшига йўл қўймаймиз", деган ташаббусли билан иш қўймоқда. Шу тўғрисида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари барқарор ижобий бир даврни бошидан кечирмоқда. Ўзбекистон иқтисодидagi ислохотлар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлар ва ҳақ-ҳуқуқлар борасидаги ижобий илгирликлар икки томонлама муносабатлар учун оптимал фон шакллантирмоқда.

Сўнгги пайтларда Ўзбекистон — Америка муносабатлари стратегик шериклигининг янги босқичига қадам қўймоқда, бу эса юқори даражадаги сиёсий ўзаро ишончга эришиш ва уни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ўзаро манфаатли бўлган барча соҳада иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштиришга бўлган интилиш билан тавсифланади.

Мамлакатимиз раҳбарининг демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаш ва миллий иқтисодиётнинг янги моделини яратилишига қаратилган, очилғили билан ажралиб турадиган кенг қўламли ички ислохотлари ҳам Қўшма Штатлар томонидан эътироф этилмоқда. Бу ижобий ўзгаришлар АҚШ томонидан тўлиқ қўллаб-қувватлаб, ҳозирги босқичда нафақат ички муаммоларни ҳал қилишда, балки минтақавий долзарб муаммоларни барқарор қилишда ҳам мамлакатимиз билан янада фаол ҳамкорликка тайёрлигини англатади.

Янги стратегик шериклик даврининг бошланиши

2020 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон — АҚШ сиёсий маслаҳатлашувларининг саккизинчи раунди якунида томонлар йиллик маслаҳатлашувларини Стратегик ҳамкорлик мулоқоти даражасига кўтариш тўғрисидаги қарорини эълон қилган эди. Ушбу мулоқот доирасида АҚШ ва Ўзбекистон сиёсий, ҳавфсизлик, иқтисодий ҳамда инсоний ўлчамлар бўйича янада яқинроқ ҳамкорликни давом эттиришни кўзлабди. Бу биринчи стратегик шериклик мулоқоти 2021 йилда Тошкентда ўтказилди.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда икки томонлама савдо алоқаларини, олий таълим ва илмий тадқиқотлар, қишлоқ хўжалиги ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувлар қабул қилинди. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши жараёнида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Юқорида қайд этилган ҳужжатлар нафақат Ўзбекистон — АҚШ муносабатларидаги пойдевор бўлган ҳуқуқий асос, балки икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги тарихий муҳим давр бошланишини белгилаб берди.

Экспертлар фикрича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил май ойида Вашингтонга расмий ташрифидан сўнг АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида

ги муносабатлар ўзгача тус олди. Ушбу музокаралар якунида давлат раҳбарларининг "Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: янги стратегик шериклик даврининг бошланиши" деб номланган Қўшма баёноти қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон бозорига Америка етакчи компанияларининг иштирокини кенгайтириш ва ўзаро қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ келишувларга эришилди. Американинг йирик компаниялари 2017 йилдан — Ўзбекистонда қатор кенг қўламли иқтисодий ислохотлар бошланганидан буён ўзбек бозорига катта қизиқиш билдирмоқда. Жумладан, "General Electric", "General Motors", "Hyatt", "John Deere", "Boeing", "Honeywell", "Exxon Mobil", "Coca-Cola", "Calatrava", "Silverleaf" ва бошқа қатор компаниялар аллақачон мамлакатимизда фаолият юритмоқда.

Томонлар ўртасида "Инсон ўлчови" деб аталадиган масалалар бўйича конструктив мулоқотлар доимий ўтказилмоқда. Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ислоҳ этиш, мажбурий меҳнатга қарши курашиш, диний эркинликни тарғиб қилиш борасидаги салмоқли ютуқларини эътироф этмоқда. Хусусан, АҚШ Давлат қотибнинг қарори билан Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасида алоҳида ташвишчарлиги Вашингтон сиёсий доиралари томонидан юқори баҳоланади.

Шу ўринда АҚШ сенатори Рожер Уикернинг баҳоси алоҳида эътиборга лойиқ: "Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон муносиб мақтовга сазовор бўлди, диний мажбусларни озод қилди, қўллаб-қувватлаш, диний эркинликларни рўйхатдан ўтказди ва диний идораларга қарши рейдлар ўтказилишини таъқиқлади".

Бундан ташқари, АҚШ Меҳнат вазири ўзбек пахтасини болалар меҳнатидан ноқонуний фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган товарлар рўйхатидан чиқарди. АҚШ Меҳнат вазириги вакилининг таъкидлашича, ушбу ютуқда Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси билан эришди. Мамлакатимизда мажбурий ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди. Натижада халқимиз пахта қўллагидан буткул озод бўлди. Янгиланган Конституцияимизда мажбурий меҳнат таъқиқлашни кафолатлаб қўйилди ва бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Президентимизнинг БМТ минбаридан туриб мажбурий ва болалар меҳнатига қарши курашни бутун дунё миқёсида кучайтиришга қаратилган тақлифи юксак баҳоланди.

АҚШ Давлат департаменти раҳбари Энтони Блинкеннинг айтишича, "С5+1" фаолияти Марказий Осиё давлатлари саъй-харакатларини мувофиқлаштиришда, жумладан, терроризмга қарши курашда ва минтақавий иқтисодий ҳамда энергетик алоқаларини кенгайтиришда янада самарали бўлмоқда. Буларнинг барчасига Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақадда яхши қўшничилик сиёсати тўғрисида эришилмоқда. АҚШ Президенти Жозеф Байден ҳам шунга ўхшаш баёнот берди. Унга қўра, унинг маъмурияти стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва "С5+1" мулоқот жараёнини давом эттиришдан манфаатдор. Шу билан бирга, Қўшма Штатлар минтақа мамлакатларининг суверенитети, маътабллик ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашни, шунингдек, барча соҳада кўп қиррали минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга қатъий содиқлигини тасдиқлайди.

Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги мулоқот

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Қўшма Штатлар ўртасида конструктив мулоқот юритилиши натижасида, Афғонистонда тинчлик жараёнини кучайтириш бўйича аниқ тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий интеграциясини таъминлаш нўқтай назардан Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни кучайтиришдан АҚШ манфаатдор. Бу икки мамлакат терроризмга қарши курашиш ва чегара ҳавфсизлигини таъминлаш, Афғонистонга молиявий ва техник ёрдамни ошириш учун биргаликда ҳаракат қилмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигининг ҳозирги йўналиши икки мамлакат ва халқларнинг миллий манфаатларига жавоб беради.

Ўзбекистон Президенти Ҳамидия дунёда тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик ва мулоқот бўлиши учун ўз ташаббусларини илгари суриб келган. Афсуски, дунё тинчлиги ва ҳавфсизлиги мўрт бўлиб қолди. Мулоқот эса ноҳ ҳақиратга айланди. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида яна бир бор ушбу муаммони тилга олди.

— **Жаҳон миқёсида ишонч инқирози кузатишмоқда... Геосийсий қарама-қаршиликлар тўғрисида савдо, инвестиция ва инновация соҳаларида эркин алоқани йўлга қўйишга тўсиқлар вужудга келмоқда. Ҳатто иқлим ўзгаришлари, очлик ва тенгсизликка қарши кураш сингари бутун башариёт тақдирига дахлдор бўлган масалалар ҳам ўзаро мулоқот издан чиққани сезилмоқда. Бундай мураккаб шароитда амалий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳини сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд зиддиятлардан юқори қўйган ҳолда, мамлакатларни жипслаштириш гоёси ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда,** — деди Президентимиз.

Дарҳақиқат, дунёда ўзаро ишонч ва мулоқот йўқолиб бормоқда. У тоқатсизлик ва зиддиятга етлаётган. Сўнгги пайтларда айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик, исломофобия ҳолатлари бунга мисол бўла олади.

Европанинг қатор давлатларида ислом динининг муқаддас китоби — Қуръони карим ёқиб юборилгани дунёни қарама-қаршилик ва зиддиятлар гирдобига ташлашга бир баҳа қолди. Шунинг учун жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик гоёларини кенг тарғиб этиш мақсадида Президентимиз **Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этишни** тақлиф қилди. Бу бежиз эмас. Диёримиз жаҳон илм-фани ривожига беқийс ҳисса қўшган, исломни илм-маърифат ва тинчлик дини сифатида намоеъ этган Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари улуг алолма ва мутафаккирлар Ватани. Шундай буюк олимларнинг бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида **2024 йил Ўзбекистонда "Ислом — тинчлик ва эзгулик дини" мавзусида халқаро конференция ўтказиш** ташаббуси илгари сурилди.

Жаҳонда кечаётган зиддиятлар фонди Марказий Осиё давлатларининг яхши қўшничилик, барқарорлик, ўзаро ҳамкорлик ва ривожланиш йўлидан бораётгани дунёга намуна вазифасини

ўташи мумкин. Халқаро эксперт доираларда, нуфузли нашрларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси тўғрисида Ўзбекистон барча қўшнилари билан давлат чегаралари, транспорт коридорлари ва сувдан фойдаланиш бўйича муаммоларни барқарор этишга муваффақ бўлгани, минтақа иқтисодий ривожланиш марказига, Шарқ ва Гарбни, Шимол ва Жанубни боғлайдиган транспорт-коммуникация кўпригига айланиб, унга қизиқиш тобора ортиб бораётгани ҳақида ёзмоқда.

Масалан, нуфузли "Форбс" журналида "ташки дунёдаги ноаниқ вазият шароитида Марказий Осиёнинг беш давлати бу вазиятга ечим топдики, улар хоржий инвестицияларни жалб қилиш ва рабатлантириш, бундан фойда олиш, изоляциясини афзалликка айлантириш учун 70 миллион кишилик бирлашган бозорни ташкил этиб, ягона савдо блоқини тўзди. Бунинг ташаббускори Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бўлди", деб ёзишди.

Яна бир нашр — нуфузли "Берлинер Цайтунг" газетасида ёзишларича, "С5 — Марказий Осиё давлатларининг принципиал масалалар бўйича ўзаро келишилган ташқи сиёсатини шакллантиришда минтақадаги аҳолиси энг кўп мамлакат Президенти — Шавкат Мирзиёев асосий ўрин эгаллаган".

АҚШ Президенти Жозеф Байден ҳам 2023 йил 17 февралда давлатимиз раҳбарига йўллаган мактубида Президентимизнинг Марказий Осиёда яхши қўшничиликни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини юқори баҳолаган эди. "Сиз Марказий Осиёдаги бешта мамлакатнинг минтақавий ҳамкорлигини кенгайтириш орқали қўшни мамлакат билан муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганингизни алоҳида қайд этмоқчиман. Бу саъй-харакатлар Марказий Осиёда ва унинг ташқарисидан раванак ва барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда".

Ишонч билан айтиш мумкинки, халқаро ҳамжамиятнинг қўлови билан Марказий Осиё бирдамлик йўлидан боришда давом этади. Марказий Осиёни тинч ва гуллаб-яшнаётган ҳудудга айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида бундан буён ҳам устувор мақсад бўлиб қолади. Минтақа давлатлари олдига энг муҳим ва долзарб, умумий муаммоларни ечишда бундан бошқа йўл йўқ.

Ўзбекистон БМТнинг бир қатор нуфузли тузилмаларига сайланиши ва уларнинг ишида фаол иштирок этмоқда. Биргаликда глобал кун тартибига оид, жумладан, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, туризмин ривожлантириш, камбағалликка ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш масалалари бўйича йирик халқаро тадбирлар ўтказилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлик мисли қўрилган юксак даражага чиқди. Биргаликда қарийб 140 та дастур ва лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 6 та резолюцияси қабул қилинди, Оролбўйи минтақаси аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун махсус Траст фонди фаолият юрит-

моқда. Ёшлар ва аёллар салоҳиятини рўёбга чиқаришда ҳам ҳамкорлик жадвал тус олган. Давлатимиз раҳбарининг **БМТ хузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этишни**, унинг доирасида "Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби — 2030" дастурини ишлаб чиқишни, аёлларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ва тажриба алмашиш учун келгуси йили БМТ билан ҳамкорликда **Ўзбекистонда Осиё хотин-қизлари форумини ўтказиш**ни тақлиф этиши ҳам халқаро доираларда қизгин акс садо берди.

Антониу Гутерриш Ўзбекистон Президентининг Бош Ассамблея 78-сессиясидаги нутқини юксак баҳолаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ортага қайтмас ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлади. Бош қотиб янги "Ўзбекистон — 2030" стратегиясига қиритилган мақсад ва вазифаларнинг қўламлилигини, улар Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўлиқ ҳамоҳанглигини алоҳида қайд этди. БМТ ва унинг барча институтлари ушбу дастурий ҳужжатни амалга оширишга кўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг халқаро муассасалар вакиллари билан учрашуви ҳам сермахсул бўлгани ва улар янги Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш учун мамлакатимиз билан биргаликда ишлашга, турли лойиҳаларни амалга оширишга интилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, Жаҳон банки гуруҳи президенти Ажай Бангани хусусийлаштириш ва самарали давлат бошқаруви соҳаларида банкнинг экспертлик ва техник кўмагини кенгайтириш, карбонсизлаштириш, муқобили энергетика, инфратузилма ва коммуникациялар, сув таъминоти бўйича лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда давлат хусусий инвестициялар, жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш ва бошқа стратегик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ваъда берди. Банкнинг дунё бизнеси етакчи вакилларини иборат Маслаҳат кенгаши Ўзбекистонга тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиши тўғрисида келишувга эришилди. 2026 йилга қадар даврга мўлжалланган ва жами 4 млрд. долларлик лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи ҳамкорлик дастури Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг барча устувор йўналишларини қамраб олган.

Халқаро валюта фонди бошқарувчи директори Кристалина Георгиева фонд юртимиз молия соҳаси барқарорлигини комплекс таҳлил қилиш, иқтисодий сиёсатни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишда консалтинг кўмагини кўрсатиш ҳамда мамлакатимиз идораларни мутахассисларнинг салоҳиятини ошириш дастурини бажаришда иштирок этишга тайёрлигини билдирди. Жаҳон савдо ташкилоти бош директори НҒози Оконжо-Ивеала Ўзбекистон томонидан ташкилловга аъзо бўлиш борасида қўрилаган чораларни юқори баҳолади.

Демак, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ортага қайтмас ислохотларга, Президентимиз Шавкат Мирзиёевга ишонч юқори. Зеро, Президентимиз сайёрамизда мустақкам тинчлик ва фаровонликка эришиш учун истиқболли тақлиф ҳамда ташаббуслар билан чиқмоқда. Бу умумбашариёт мақсадга эса фақат умумий интилиш ва биргаликдаги ҳаракатлар билан эришиш мумкин. Бугун дунёга ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик руҳи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ИЛГАРИ СУРИЛГАН ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида давлатимиз раҳбари ҳар доимидек, халқаро муносабатлар тизимида фундаментал ўзгаришлар юз бераётган бир шароитда илгор, долзарб тақлифларни ўртага ташлади. Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида эришаётган ютуқларга тўхтади.

Муносабат

Дарҳақиқат, дунёда геосийсий қарама-қаршиликлар тўғрисида савдо, инвестиция ва инновация соҳаларида эркин алоқани йўлга қўйишга тўсиқлар вужудга келаётган бир пайтда юртимизда ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлиши янги Ўзбекистонни барпо қилиш сиёсати қатъий давом эттирилмоқда. Мамлакатимиз "Инсон қадр ва манфаатлари учун" деган эзгу гоё асосида демократия ва адолат тамойилларини мустақкамлашга қаратилган тўб ислохотлар йўлидан дадил илгирлаб бормоқда. Хусусан, 2017 йилдан буён камбағаллик икки баробарга камайди. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясига мувофиқ, 2030 йилгача уни 7 фоизга тушириш режалаштирилмоқда.

Таъкидлаш. Бу бежиз эмас. Зеро, очик ва сифатли таълим камбағалликка барҳам бериш, халқ фаровонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали омиллидир.

Эътироф этиш керак, мамлакатимиз охириги йилларда бу борада катта таъжирба тўпладим. Таълим тизими тубдан ўзгарди. Утган олти йилда маътабга таълимдаги қамров 21 фоиздан 70 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 38 фоизга етди. Нафақат пойтахтда, бошқа ҳудудларда ҳам янги таълим муассасалари барпо этилди, қўллаб мактаб биналари реконструкция қилинди. Ёшлар сифатли таълим олиши учун барча шароит ва қўлайликлар яратилди.

Айтиш жоизки, ўтган қисқа даврда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари химояси бўйича ҳам улкан ишлар қилинди. Мамлакатимизда мажбурий ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди. Ваҳолаки, бугунги кунда сайёрамизда йилгига ўртача 120 миллиондан зиёд болалар мажбурий меҳнат, қуллик, қуроли мोजаролар гирдобига тортилмоқда. Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишида ёшлар масаласига

диор муҳим ташаббусларни илгари суради. Бу сафар ҳам аҳолисининг деярли ярми ёш авлод вакиллари бўлган Марказий Осиё учун ёшлар ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи долзарб аҳамиятга эгаллиги тилга олинди.

Ушбу соҳада ҳамкорликни кучайтириш мақсадида яқинда Душанбеда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви якунида минтақамиз давлатлари томонидан Ёшлар сиёсатининг умумий йўналишлари ҳақидаги битим имзоланди. Бу борада БМТ ва унинг иштирослаштирилган тузилмалари билан самарали ҳамкорлик ўрнатилса, бошқа минтақаларнинг илгор таъриби ва ютуқлари ўрганилса, бундан барча ютади.

Шу муносабат билан Президентимиз БМТ хузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этишни, унинг доирасида "Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби — 2030" дастурини ишлаб чиқишни тақлиф қилди.

Муқоддас **ЎРАЗАЛИЕВА,**
Олий Мажлис
Конунчилик палатаси депутати.

ЁШЛАРНИНГ ИНТИЛИШЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ёшлар — келажагимиз. Шу боис юртимизда йигит-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, таълим олиши, меҳнат қилиши, билим ҳамда иқтидорини тўла-тўқис рўёбга чиқариши, ўз бизнесини бошлашлари учун зарур шарт-шароит яратишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада яхлит тизим яратилиб, ёшларнинг муҳим бизнес ташаббуслари, илгор гоё ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рўёбга чиқаришга кўмаклашиляпти, шу орқали уларнинг бандлиги кафолатланяпти.

Фикр

Президентимизнинг ушбу йўналишда қабул қилинган бир қатор Фармон ва қарорлари ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиб берилишига, пировардида уларнинг ҳам ўзини, ҳам тенгқурларини иш билан таъминлашда муҳим асос бўлмоқда.

Чунончи, жорий йилнинг ўтган 9 ойида 121 миң 547 нафар йигит-қизнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 трлн. 438 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Тадбиркорликка қизиқувчи ёшларнинг инновация, стартап ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш тизими яратилди. Ушбу йўналиш бўйича ўқув дастурлари тайёрланди, бугунги кунга қадар 91 нафар ёшнинг 44,3 млрд. сўм қийматдаги истиқболли лойиҳалари молиялаштирилди.

Шунингдек, ўтган давр мўйноғида 95 миң нафар ёш доимий иш ўринларига жойлаштирилди. Уларга замонавий қасблар, ахборот технологиялари ва хоржий тилларни ўргатишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янгича тартиби —

сўм миқдориди маблағлар ажратилди. Жойларда ишсиз ёшларнинг даромад манбаини яратиш орқали бандлигини таъминлаш ҳам бугунги кунда муҳим масалалардан биридир. Шу мақсадда захирага қайтарилган ер майдонларини деҳқон хўжалиги ташкил этган ҳолда сабза-вотчилик, полиз, дуққалик, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун фуқароларга 0,10 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамларда очик электрон танлов орқали 30 йилга ижарага бериш тизими жорий этилди. Бу, ўз навбатида, оилалар фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, биргина жорий йилнинг тўққиз ойида ушбу тизим орқали 79 миң 594 нафар ёшга 29 534 гектар ер майдонлари очик электрон танлов орқали 30 йилга ижарага берилди. Шунингдек, норасмий секторда банд бўлган 501 миң нафар ёшнинг ижтимоий, саноят, қишлоқ хўжалиги, ахборот-коммуникация, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида узини ўзи банд қилишига эришилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган тизимли ислохотлардан пировард мақсад эса — йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириши, эмин-эркин ишлашлари учун қўлай шарт-шароит яратиш ва бу орқали уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда буш вақтинчи мазмунли ташкил этишидир.

Сардор ҒИЁСОВ,
Олий Мажлис
Конунчилик палатаси депутати.

«ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИ ТАЪЛИМ РИВОЖИДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Халқимиз азалдан илм-маърифат тарғиботчиси бўлган устозларни эъзозлаб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келади. Бу фазилат, айниқса, кейинги йилларда янада юксалиб, янгича маъно-мазмун касб этди.

Мушоҳада

Экспертларнинг фикрича, ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти, дунё ҳамжамиятида тугган ўрни фуқароларнинг маънавий етуқлиги, интеллектуал салоҳияти билан ҳам белгиланади. Бу эса бевосита ўқитувчи ва мураббийлар зиммасидаги вазифадир. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси йўлидаги эзгу ишлар изчил давом эттириларкан, ўқитувчи-педагогларнинг меҳнати моддий ва маънавий жиҳатдан муносиб рағбатлантирилиб борилаётир.

Хусусан, Президентимизнинг шу йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан ҳам ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилган бир қатор мақсадлар белгилаб олинди. Стратегиянинг «Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўйбга чиқариш учун муносиб шaroитларни яратиш» деб номланган биринчи

мақсадида мақтабгача ва халқ таълими, олий ўқув юрлари тизимида бўлиши кутулаётган ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур йўналишда келгусида ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақини икки баробар ошириш, 500 миң нафар педагог ходимнинг малака-тажрибасини юксалтириб бериш, 1 миң нафар тарбиячи ва ўқитувчини хорижий мамлакатларга стажировкага юбориш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, келгуси етти йилда ёш тадқиқотчиларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш назарда тутилмоқда. Бунда 40 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улушини камида 60 фоизга, илмий ташкилот ходимларининг иш ҳақини ўртача 2 баробар ошириш, илмий, амалий, инновацион

ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш бўйича йиллик танловлар сонини 20 га етказиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантура ҳамда мақсадли докторантура квоталари сонини 5 200 га етказиш белгиланган. Албатта, ёш тадқиқотчиларга яратилаётган бундай имкониятлар профессионал таълим тизимини олдинги марраларга олиб чиқади.

Қарорда яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилган. Сир эмаски, бугунги кунда барча олий таълим муассасаларининг олдида турган энг устувор вазифалардан бири — чет эл таълим даргоҳлари билан алоқаларни йўлга қўйиш. Бунда хориж тажрибаси асосида рақобатбардош кадрлар етиштириш мақсад қилинган. Демокчи бўлганимиз, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида бу йўналишда ҳам вазифалар белгиланган. Яъни унга кўра, «Топ — 500» талика қирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма таълим дастури асосида «икки дипломи тизим» жорий этиш йўлга қўйилади.

Шунингдек, 10 та олий таълим муассасасини дунёнинг энг нуфузли «Топ — 1000» олий таълим ташкилотлари рейтингига киритишга эришиш, 30 та олий таълим муассасасининг таълим дастурларини халқаро аккре-

дитациядан ўтказиш назарда тутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, стратегия ўз ичига олий таълим муассасаларининг ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник таъминотини мустақамлаш каби вазифаларни ҳам белгиланган. Жумладан, 5 та олий таълим муассасасини миллий тадқиқот олийгоҳларига айлантириш, қўшимча 120 миң ўринли ўқув бинолари ҳамда 150 миң ўринли талабалар тураржойларини қуриш, кутубхоналарни камида 1 миллионга замонавий адабиёт билан тўлдириб ва кутубхона фондларини тўлиқ рақамлаштириш кўзда тутилмоқда.

Хуллас, илм-фан шиддат билан ривожланаётган жаҳон майдонида ўз ўрнинини топишимиз бугун тайёрлаётган мутахассисларнинг илму салоҳияти ва тажрибасига кўп жиҳатдан боғлиқ. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши эса мамлакатимизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу маънода айтганда, мазкур ҳужжат мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожидан муҳим қадамлардан бўлиб, инсон манфаатларини юксалтириш, таълим ривожини йўлида янги имкониятлар яратиш борасида ислохотлар давомийлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Артур ҚОРҒЎДИЕВ,
Жиззах давлат педагогика университетининг
Мактаб менежменти кафедраси ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛЛАРИ ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ БОБИДА ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтаётган XIX Осиё ўйинларида юртимиз спортчилари ҳам муносиб иштирок этиб, шода-шода медалларни қўлга киритмоқда.



Мусобақани бевосита кузатиб бораётган муҳбиримиз атлетларимиз томонидан қўлга киритилган натижалар ҳақида хабар беради.

26 сентябрь кун Осиё ўйинлари доирасида Ўзбекистон вакиллари 13 та спорт турида қатнашиб, 1 та олтин, 2 та кумуш ва 4 та бронза медалларига эгалик қилишди. Жумладан, 10 метрдан пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича аралаш жамоавий дастурда иштирок этган Жаҳоҳир Соҳибов ва Мухтасар Тоҳирова жуфтлиги кумуш медални қўлга киритди. Таъкидлаш жоизки, ўқ отиш бўйича мамлакатимиз жамоаси аъзолари бунгача 1998 йилда Бангкокда уюштирилган Осиё ўйинларида совриндор бўлишган.

Тазквондо WT бўйича вакилимиз Чарос Қайюмова (-53 кг.) бронза медалига сазовор бўлди. Ҳаётимиз Дарья Латшешва эса ушу спорт турининг нанкуан ва нандао дастурлари якунига кўра кучли учликдан жой олди. Эслатиб ўтамиз, Дарья 2018 йилда ўтказилган Осиё ўйинларида кумуш медалга эгалик қилган.

Дзюдочиларимиз ҳам мухлисларни хурсанд қилишда давом этаётир. Хусусан, мусобақанинг навбатдаги кун Ирихсон Қурбонбоева (-78 кг.), Алишер Юсупов (+100 кг.) бронза медалларини қўлга киритган бўлса, Давлат Бобонов (-90 кг.) кумуш,

Музаффарбек Тўрабоев (-100 кг.) олтин медалга сазовор бўлди. Қиличбозликнинг сабля йўналишида Зайнаб Дайибоева бронза медал билан тақдирланди. Кеча бўлиб ўтган беллашуларда ҳам Ўзбекистон вакиллари истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини яна бир қарра намён этди. Жумладан, тазквондо бахсларида Улғабек Рашитов (-68 кг.) олтин, Феруза Содикова (-67 кг.) кумуш медални қўлга киритди. Дзюдо бўйича аралаш жамоавий дастурда эса ҳаётимиз кумуш медалга соҳибига айланди. Шахмат бўйича аркалар ўртасида Нодирбек Абдусатторов кумуш, Жаҳоҳир Синдоров бронза, хотин-қизлар беллашувида Умида Омонова кумуш медалга сазовор бўлди.

Бундан ташқари, бокс, футбол каби спорт турларида ҳам ҳаётимиз ишончли ғалабаларга эришиб, совринли ўринлар учун курашни давом эттиришаётир.

Айни вақтга қадар Осиё ўйинларида Ўзбекистон вакиллари 6 та олтин, 10 та кумуш ва 12 та бронза медалларини жағмабди, умумий рейтингда 4-ўринда бормоқда.

Ҳасан ПАЙДОЕВ
(«Халқ сўзи»)
Ханчжоу, Хитой
Муаллиф олган сурат.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ДУРДОНАСИ

Тинчлик, тараққиёт ва маърифат йўлидаги анжуман

2021 йил 19 июнда давлатимиз раҳбари маданий ҳаётимиз учун аҳамияти катта бўлган тарихий ҳужжатга имзо чекди. «Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида»ги ушбу қарорга мубофиқ 1968 — 1997 йиллар давомида Ўзбекистонда ўтказиб келинган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кино фестивали «Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кино фестивали номи билан қайта тикланди. 2021 йилдан бошлаб ҳар йили «Тинчлик, тараққиёт ва маърифат» ширини остида сентябрь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрида ўтказилиши белгиланган бўлди.

Ушбу санъат байрами тарихига назар ташланганидан бўлса, у 1968 йилда тасвир этилган ва «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озолиги учун» ширини остида ҳар йилда бир марта ўтказилиши анъанавий тус олган эди. Дастлаб Осиё ва Африка кинематографчиларининг форуми сифатида режалаштирилган бу анжуманга 1976 йилдан Лотин Америкасининг вакиллари ҳам қўшилиб, уч қитъа кино ижодкорлари иштирокида ўтказилган тадбирга айланганди.

Биринчи Тошкент халқаро кино фестивалида Осиё ва Африка қитъасининг 49 та давлатидан кўна усталари иштирок этган бўлса, 1980 йилга келиб мазкур анжуманда 97 та давлатдан вакиллар қатнашди. Кинофестиваль доирасида умумий ҳисобда 80 дан 200 гача ўз даврининг энг яхши картиналари намойиш этилди. Иштирокчилар кинофестиваль дипломулари, жамоат ташкилотларининг махсус мукофотлари билан тақдирланишди.

Янги Ўзбекистон шароитида қайта тикланган халқаро фестивал шакл ва мазмунан янада бойиб, дунёнинг барча қитъасидаги санъат аҳлини бирлаштира олиш қудратига эга бўлди.

Санъат ихлосмандлари учун байрам

2020 йилнинг 20 ноябрь кунини янги таъмирланган «Ўзбекфильм» киностудияси биносига Президент Шавкат Мирзиёев таъриф буюриб, мамлакатимизнинг етакчи кино ижодкорлари билан самимий суҳбатлашди, кино санъати ва санъатини янада ривожлантириш, жамият ҳаётида унинг аҳамиятини ошириш бўйича топириқ ҳамда тавсиялар берди. Мазкур учрашув Тошкент кино фестивалининг янги Ўзбекистон даврига мос равишда, янгича фаёзу шукҳуда тикланишига маънафат асос яратди.

— Биз Тошкент кино фестивалларини яхши эслаймиз, — дейди эллик йилдан ортқ ўзбек киносини соҳасида фаолият кўрсатган таниқли овоз режиссёри Абдуқаҳҳор

Каримов. — У кино ихлосмандлари учун ҳақиқий байрам эди. Бу орқали Буюк Британия, Франция, Италия каби кино санъатида дунёда етакчи ўринни эгаллаган мамлакатлар ва собиқ иттифоқ ҳудуди давлатлари ижодкорларининг энг сара фильмларини томоша қилиш имконига эга бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур анжуманинг қайта тиклангани маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлиши билан бирга соҳа раънақида муҳим ўрин тутди.

Уша маҳалларда Тошкент кино фестивали аҳамияти жиҳатидан Москва халқаро кино фестивалидан кейин йирик иккинчи ўринни эгаллаб, собиқ иттифоқ ҳудудида юксак нуфузга эга бўлган. Бундан ташқари, дунё бўйича эътироф этилган форумлар моделига мўлжалланган Тошкент кино фестивали ўзига хос жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Тошкент Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ёш кинематографчиларининг минбарига айланб, ўз мактабига асос солди.

— Стратегик истибқол сифатида нафақат Ўзбекистон халқи, балки бутун халқаро ҳамжамият кўпдан бери кутаётган Тошкент халқаро кинофестивалининг қайтадан ташкил этилиши алоҳида эътирофга лойиқ, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Рустам Садуллаев. — Бу фестивал Тошкент шаҳрида ҳар йили ўтказилиши режалаштирилгани киноижодкорларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини юксалтиришга қаратилган аниқ қадамлар ва ислохотлардан дарак беради. Бу санъаткорларимизга беҳад кўтаринкилик бағишлайди, албатта.

2021 йилда ўтказилган «Ипак йўли дурдонаси» XIII Тошкент халқаро кино фестивалида 40 га яқин давлатлардан 350 зейб киноижодкорлар қатнашди. Ўзбекистон бўйлаб 14 та мамлакатнинг кино кўнлари кўтаринки руҳ билан ўтказилгани фестивал тадбирларини 24 йиллик айрилиқдан кейинги соғинч сифатида хис-ҳаяжонлар камраб олди. Жумладан, юртимизнинг турли ҳудудларидаги кинотеатрларда 150 га яқин хорижий ва миллий фильмлар намойиши ўтказилгани томошабинларда ёрқин таассуротлар қолдирди.

Ижод ва бунёдкорлик муштарак

Мазкур нуфузли маданий тадбир доирасида Ўзбекистон Миллий кино музейи очилди. Миллий кино фонди эса янги бинода иш бошлади. Алишер Навоий номидаги кино саройи негизда ташкил этилган «Киночилар йўли» да фестивал тадбирлари юксак савияда ўтказилгани хориж ва миллий ижодкорлар ҳамда мухлислар қалбидан ўчмас хотира бўлиб қолди. «Ўзбекфильм» киноконцернининг замонавий биноси қуриб битказилиб, унинг тақдироти ўтказилди.

Навбатдаги «Ипак йўли дурдонаси» XIV Тошкент халқаро кино фестивалида дунёнинг 35 давлатидан 400 дан ортқ ижодкорлар,

актёр ва актрисалар, режиссёр ҳамда операторлар, продюсер ва таҳлилчилар, киношунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирлар замонавий шарт-шароитларга эга 50 дан ортқ локациялар, театр ва кинотеатрлар, маданий-маърифий масканлар, санъат саройларида ўтказилди. Кинофестиваль арасида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби вилоятларда бир қатор янги кинотеатрлар барпо қилинди.

Пойтахтимиздаги «Киночилар йўли» негизидан 1500 ёш киноижодкорни ўз бағрига оладиган кинокластер бунёд этилди. Бу ерда нафақат миллий ва хорижий картиналарни замонавий асбоб-ускуналар воситасида томошабинларга намойиш этиш, балки фильмлар суратга олиш, уларга ишлов бериш, овозлаштириш, безаш, шу-



ди. Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўзбек кино ижодкорлари томонидан суратга олинган қатор фильмлар намойиш қилинди. Кинофестиваль доирасида ўтган «TURKSOY» кино форуми, ишбилармонлар учрашуви, «Жаҳон мамлакатлари киносини: тарих ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги анжуман, «Бугунги кунда дунё мамлакатларининг кинематография соҳасидаги қонунчилиги: кино ишлаб чиқариш ва кинопрокатни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари» мавзусидаги мулоқотларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик юзасидан келишиб олинди.

«Мазкур нуфузли маданий тадбир доирасида Ўзбекистон Миллий кино музейи очилди. Миллий кино фонди эса янги бинода иш бошлади. Алишер Навоий номидаги кино саройи негизидан ташкил этилган «Киночилар йўли» да фестивал тадбирлари юксак савияда ўтказилгани хориж ва миллий ижодкорлар ҳамда мухлислар қалбидан ўчмас хотира бўлиб қолди. «Ўзбекфильм» киноконцернининг замонавий биноси қуриб битказилиб, унинг тақдироти ўтказилди.»

Кинофестивалда 2 миңдан ортқ ёшлар иштирокида таълим дастурлари ҳам ўтказилди. Жумладан, Кишиштоф Занусси, Такеши Китано, Санг Ву, Ханс Антонио Мартинес, Люк Бессон, Гоша Куценко, Жонни Депп сингари жаҳон киносининг атоқли вакиллари иштирокида маҳорат дарслари ташкиллаштирилди. «Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси» ДУК томонидан яратилган, Токио Паралимпия мусобақаларида қатнашиб, турли медалларни қўлга киритган имконияти чекланган ўзбек йигит-қизлари ҳақидаги «Матонат мактаби» туркумидаги 19 та ҳужжатли фильмнинг учтаси, «Виждон саратони», «Инсон. Биринчи эпизод», «Сидней Жексон феномени» сингари ҳужжатли фильмлар тақдироти фестивал доирасида ўтказилди.

— Ўзбек ҳужжатли фильмларининг яна ўз ўзинига тушиб, ривожланиш йўлини туггани таҳсинга лойиқ, — дейди таниқли киносшунос олима Сабоҳат Ҳайитматова. — Мен режиссёр Музаффар Қорабоевнинг «Матонат мактаби», режиссёр Нурилла Нарзуллаевнинг «Моҳиғулнинг пок нияти», режиссёр Саидялло Масъудхоннинг «Нурхоннинг қўш медали» ҳужжатли фильмларини томоша қилдим. Бу асарлар таассуротидан қўзғалар ёш олган томошабинлар ҳам гувоҳ бўлди. Айниқса, ёшларимиз учун ҳар томонлама ибрат, намуна бўладиган қаҳрамонлар танлангани фильмлар ютуғидир.

— Ўзбек ҳужжатли фильмларининг яна ўз ўзинига тушиб, ривожланиш йўлини туггани таҳсинга лойиқ, — дейди таниқли киносшунос олима Сабоҳат Ҳайитматова. — Мен режиссёр Музаффар Қорабоевнинг «Матонат мактаби», режиссёр Нурилла Нарзуллаевнинг «Моҳиғулнинг пок нияти», режиссёр Саидялло Масъудхоннинг «Нурхоннинг қўш медали» ҳужжатли фильмларини томоша қилдим. Бу асарлар таассуротидан қўзғалар ёш олган томошабинлар ҳам гувоҳ бўлди. Айниқса, ёшларимиз учун ҳар томонлама ибрат, намуна бўладиган қаҳрамонлар танлангани фильмлар ютуғидир.

Маҳорат ва тажриба мактаби

Тошкент халқаро кино фестивали ўзбек кино ижодкорлари учун ҳақиқий маънода катта тажриба мактаби ҳисобланади. Фестиваль орқали улар жаҳон кино санъати бўйича тасавурулари янада бойиб,

Хулқар ҲОТАМБОВА,
журналист.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурлидаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 941. 33 088 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Манзилими: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов, Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6